

1.МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу: “Молия” фанининг предмети, объекти, методи ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

1. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.
2. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари.
3. Молиянинг ташкилий тамойиллари, иқтисодиётдаги роли ва трансформациялашуви.

Ўзининг луғавий маъноси жиҳатидан “молия” сўзи “даромад” ёки “тўлов” деган маъноларни англатади. Молия давлатнинг вужудга келиши ва унинг ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ривожланиши билан доимий (узлуксиз) товар-пул муносабатлари шароитида пайдо бўлди. Давлатнинг мавжудлиги яратилаётган иқтисодий (моддий) неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича олий ҳокимият органи (шахси) сифатида давлат ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг бошқа иштирокчилари (субъектлари) ўртасида маълум бир муносабатларнинг ўрнатилишини тақоза этади. Хусусан, ана шу муносабатлар “молия” тушунчаси орқали ифодаланган.

Давлатнинг вужудга келиши, унинг барча оқибатларидан ташқари, яратилаётган иқтисодий неъматларнинг олий ҳукумат сифатида давлат ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг қолган субъектлари ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланиши бўйича маълум ўзаро муносабатларни ўрнатишни талаб этади. Айнан мана шу муносабатлар «молия» тушунчаси орқали ифодаланган.

Натурал муносабатлар устун бўлган жамиятларда қайта тақсимлаш жараёнлари, аввало, натурал солиқлар ва турли хилдаги шахсий итоаткорлик хусусиятларини ифодалаган. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши қайта тақсимлаш муносабатлар шакллариининг ўзгаришига олиб келди, улар энди асосан пулли хусусиятга эга бўлди. Бироқ, мазкур муносабатлар мазмуни тубдан ўзгармади.

Шу билан бир вақтда, жамиятда яратилаётган иқтисодий неъматларни ҳар қандай қайта тақсимлаш жараёнларини молия билан айнан бирдай кўриш тўғри бўлмайди. «Молия» термини унинг ҳозирги замон талқини нуқтаи назаридан давлат хазинаси аҳамиятининг ўсиши ва давлат бюджетининг пайдо бўлиши боқичига хосдир.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётида молиянинг моҳиятини талқин этишнинг турли қарашлари мавжуд¹. Ушбу қарашлардаги умумий асос сифатида пул шаклидаги қиймат майдонга чиқади. Товар шаклидаги қиймат

¹ Ўтган асрнинг 90-йилларида кўплаб нашр этилган катор иқтисодчи-олимлар, жумладан, И.Т.Балабанов, А.М.Бабич, В.В.Ковалева, Д.С.Моляков, Л.Н.Павлова, В.М.Родионова, М.В.Романовский ва бошқаларнинг молияга оид ишларига қаранг.

молиявий муносабатларнинг бош омили ҳисобланмайди ва жамият таракқиёти иқтисодий асосларининг тубдан ўзгарганлиги билан боғлиқдир.

Хорижлик иқтисодчи-олимлардан Э.Боди ва Р.К.Мертонлар молиянинг моҳиятини изоҳлашга ўзига хос тарзда ёндошганлар. Уларнинг фикрича, «Молия (finance) – кишиларнинг маълум вақт давомида ўта тақчил бўлган пул ресурсларининг келиб тушиши ва ишлатилишини қай тарзда бошқаришлари ҳақидаги фандир²». Муаллифлар таъкидлашларича, молиявий қарорлар яна шу билан хусусиятланадики, харажатлар ва даромадлар:

- даврийлигига кўра фарқланади, яъни ихтиёрий вақтда турли хил хажмни изоҳлаши ва ўзаро мос келавермаслиги ҳам мумкин;

- уларнинг аниқ оқибатларини олдиндан айтиб бўлмаслиги.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқотчилар прагматик тарзда молияга қиймат категорияси сифатидаги эскича қарашларини активлар ва рискларни самарали бошқариш ҳамда битимлар тузиш юзасидан молиявий қарорлар қабул қилишга асосланган замонавий ёндошувлар билан мувофиқлаштира олмаганлар.

Демак, таъкидлаш жоизки, «молия» тушунчаси даставвал давлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида «пул фондларининг шаклланиши» призмаси остида, кейинчалик эса пул фондларининг ишлатилишини ҳам бирга қўшган ҳолда изоҳланди. Кейинчалик эса мазкур тушунча «давлат молияси» (ингл. “Public Finance”) номини олдики, ҳозирда унинг таркибига умумдавлат ва маҳаллий молия киритилмоқда.

Давлат, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида яратиладиган пул маблағлари фондлари – марказлашган фондлар деб, хўжалик субъектлари даражасида, уй хўжаликлари миқёсидаги пул фондлари эса марказлашмаган фондлар деб номланади.

Хўжалик субъектларининг турли фаолиятдан оладиган даромадларидан пул маблағларининг махсус фондлари амортизация ажратмаларининг жамғарилиши, иш ҳақи бўйича қарзлар, бюджетга ва нобюджет фондларга тўловлар бўйича қарзлар, шу билан бирга фойда кўринишида шаклланадики, унинг бир қисми солиқ тизими орқали давлат органлари ихтиёрига ўтади, қолган қисми эса тадбиркорлик даромади сифатида, дивидентлар ва ҳ.к.лар кўринишида такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сафарбар этилади. Шунини таъкидлаш жоизки, мазкур фондларнинг шакллантирилиши қатъий белгиланганлик хусусиятиги эгадир ва бу ҳолат молиявий муносабатларнинг яна бир муҳим фарқли белгисини ифодалайди.

Молиянинг хусусиятли белгилари қуйидагилардан иборат:

- муносабатларнинг пулли хусусияти;
- муносабатларнинг тақсимлаш хусусияти;
- муносабатларнинг фондлик хусусияти.

Мазкур хусусиятли белгиларнинг намоён бўлиши ва уларнинг ҳозирги реал иқтисодий турмушимизда учраши қуйидаги шартли чизмада келтирилади:

² Боди Э., Мертон Р.К. Финансы./Пер.с англ. Учеб.пособие. М.: Вильямс, 2000.-38-б.

Молиянинг хусусиятли белгилари.

Муносабатларнинг пулли хусусияти:

1. Яратилган қийматни тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатлари.
2. Турли хил пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ муносабатлар.

Муносабатларнинг тақсимлаш хусусияти:

1. Бирламчи тақсимлаш (иш ҳақи фондини шакллантириш, фойдани шакллантириш ва бошқалар).
2. Қайта тақсимлаш (иш ҳақи фондини тақсимлаш, фойдани тақсимлаш, солиқлар).

Муносабатларнинг фондлик хусусияти:

1. Марказлаштирилган пул фондлари (давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар)
2. Марказлаштирилмаган пул фондлари (корхоналарда шакллантириладиган моддий рағбатлантириш, истеъмол ва бошқа фондлар).

Молия дастлаб ҳар қандай пул тўловларини англатган бўлиб, кейинчалик бу тушунча иқтисодий субъектлар ўртасидаги пул муносабатлари тизимининг муҳим элементларидан бирига айланиб қолди.

Аммо, ҳар қандай пул муносабатлари тизими ҳам молиявий муносабатлар ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам, молия ва пул ўртасида ўзаро боғлиқлик билан биргаликда уларнинг маълум фарқлари ҳам мавжуд.

Чунончи, пул-товарлар дунёсидан ажралиб чиққан ва барча товарлар учун умумий эквивалент ролини уйновчи маҳсулоти товардир.

Молия эса ўзига хос пул муносабатлари тизимини қамраб олади. Молия давлат ва бошқа иқтисодий субъектлар ўртасида турли хил кўринишдаги пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимидир.

МОЛИЯ – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Молиянинг моддий асосини пул айланиши ташкил қилади.

Пул айланишининг икки хил тури мавжуд:

- Нақд пул айланмаси;
- Нақд пулсиз айланмалар.

Молия ўзига хос тарихий категория ҳисобланади. Маълумки, пулнинг вужудга келиши ва аҳамияти инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири

ҳисобланади. Кишилиқ цивилизациясининг дастлабки даврларидаёқ пул пайдо бўлди, товар-пул муносабатлари юзага келди ва ривожланди, давлатлар шаклланди. Аммо, нима учун молия ўрта арсларда пайдо бўлди деган қонуниятли савол юзага келиши табиийдир. Бу даврда молия юзага келишининг объектив шарт-шароитларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ўша даврларда қатор давлатларда ички зиддиятлар ва муаммолар пайдо бўла бошладики, уларни ҳал қилиш учун давлат йирик миқдордаги пул маблағларига эҳтиёж сеза бошлади.


2. Ўша даврларда пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимли хусусиятга эга бўла бошлади. Ўша даврлардаёқ, харажатларнинг тўрт тури амал қила бошлаган эди: ҳарбий харажатлар, иқтисодий харажатлари, ижтимоий соҳа харажатлари ва бошқарув харажатлари.

3. Ўша даврда солиқ тўловларини ундиришнинг пул шакли устувор тарзда ривожланаётган эди.


Умуман, молиянинг мавжудлиги давлатнинг пайдо бўлиши, товар-пул муносабатларининг вужудга келиши ва иқтисодий қонунларнинг амал қилиши билан белгиланади.

Давлатнинг пайдо бўлиши билан молиянинг пайдо бўлишини изоҳлаш учун давлатнинг жамият иқтисодий тизимидаги роли ва унга тегишли бўлган функцияларни асослаш лозим.

Давлатнинг иқтисодий роли жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, институционал ўзгаришлар, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меъёрларини таъминлашдан иборатдир.



Давлатнинг иқтисодий роли унинг қуйидаги функцияларида намоён бўлади: тартибга солиш, қайта тақсимлаш, ижтимоий, назорат.



Тартибга солиш функцияси: Давлат иштироки зарур бўлган шундай соҳалар мавжудки, уларнинг тўлақонли амал қилишида давлат иштироки белгиловчи аҳамият касб этади (масалан, мудофаа, давлат бошқарув аппаратини сақлаш, ижтимоий соҳалар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш

тизимлари ва бошқалар). Давлат турли хил институционал тизимлар воситасида иқтисодий сиёсатни амалга оширади. Давлатнинг тартибга солиш функциясининг бажарилиши тартибга солишнинг қатор соҳаларида таъминланади: давлат молияси, пул муомаласи, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, валюта курслари, иқтисодий ҳавфсизлик ва бошқалар.

Қайта тақсимлаш функцияси. Яратилган миллий даромад ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида қайта тақсимлашнинг объекти ҳисобланади. Бунда қайта тақсимлаш механизмининг воситаси ва ижрочилари сифатида солиқ тизими ҳамда бюджет тизими майдонга чиқади.

Ижтимоий функция. Ўтиш даврининг асосий муаммоси ҳисобланувчи ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантириш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиш давлатнинг асосий функцияси ҳисобланади. Бу функциянинг амал қилиш механизми давлатнинг қуйидаги йўналишлардаги аниқ тадбирлари орқали таъминланади: ижтимоий трансфертлар тизими, республика ва маҳаллий даражадаги ижтимоий дастурлар, адресли ижтимоий ёрдамлар.

Давлатнинг иқтисодий роли ва функцияси ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг молиявий сиёсатини ва молиявий усулларини аниқлаб беради.

Маълумки, молия юзага келишининг ва мавжудлигининг муҳим омили сифатида товар-пул муносабатларининг мавжудлиги таъкидланади. Албатта, пул муносабатларининг молия мазмунини изоҳлашдаги муҳим ролини таъкидлаган ҳолда унинг айрим жиҳатдаги чегараланишини ва бунга оид мезонларни фарқлаш лозим. Дарҳақиқат, ҳар қандай пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатлар таркибига киритилмайди. Масалан, банк кредитларини олиш ва уни қайтариш жараёни, кредиторлик қарзларини тўлаш жараёнидаги пул муносабатлари молиявий муносабатлар категориясига киритилмайди. Молиявий муносабатлар категорияси мазмунини аниқловчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул муносабатлари қуйидагилардан иборат:

Молиявий муносабатлар.

Корхоналар ва бюджет ўртасидаги барча турдаги тўлов турлари.	Корхоналар ва бюджетдан ташқари фондларга барча турдаги тўловлар ва ажратмалар ва улардан молиялаштириш механизмлари.	Кредитлар бўйича фоизлар тўлаш воситасидаги пул муносабатлари.	Корхоналар билан корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятидаги, яъни хом ашё ва материаллар сотиб олиш , тайёр маҳсулотни сотиш, хизматлар кўрсатиш бўйича пул муносабатлари.
--	---	--	---

Корхоналар тайёр маҳсулотни сотиш натижасида пул тушумларига эга бўладиларки, уларнинг бирламчи ва қайта тақсимланиши ҳам молиянинг объекти бўлиши мумкин.

Кундалик хўжалик амалиётида молия категориясининг назарий тавсифида молиявий муносабатлар пайдо бўлишининг аниқ шакллари муҳим аҳамият касб этади.

Молия категорияси ва молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиш шакллари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлиб, бу фарқлар қуйидагилар билан белгиланади:

- молия категорияси доим объективдир;
- молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиш шакллари инсонлар фаолияти билан боғлиқ субъектив хусусият касб этади.

Умуман, молиянинг иқтисодий моҳияти масаласига оид қарашларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Молиянинг тақсимлаш назарияси.
2. Молиянинг такрор ишлаб чиқариш назарияси.

Тақсимлаш назарияси тарафдорлари тасдиқлашларича, молия ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимлаш босқичидагина пайдо бўлади, яъни ялпи ички маҳсулот қийматини қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келади.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорларининг фикрича эса, молия иқтисодий категорияси сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи пул муносабатларидир.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- “Молия” сўзи, энг аввало, қандай маънони англатади?
- Молиянинг вужудга келиш шарт-шароитлари нималардан иборат?
- Молия ва молиявий муносабатларнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан ўз кўринишини қандай ўзгартириб борган?
- Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, товар-пул муносабатларининг қамраб олиш соҳаси ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли нималар билан белгиланади?
- Тарихий категория сифатида молиянинг вужудга келиши нималарга боғлиқ?
- Молия деб нимага айтилади?
- Молиявий муносабатларнинг фарқланувчи характерли белгилари нималардан иборат?
- Молиянинг характерли белгиларига нималар киради?
- Молия кимлар (нималар) ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини ифодалайди?
- Ўзининг моддий мазмунига кўра молия нималарни ифода этади?
- Молиявий муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти қандай саволнинг тадқиқ қилиниши орқали намоён бўлади?
- Тақсимлаш жараёнларида молиядан ташқари яна қандай иқтисодий категориялар иштирок этади?
- Молиянинг баҳо, иш ҳақи, кредит ва бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат?
- Молиянинг моҳияти нималар орқали намоён бўлади?
- Молия қандай функцияларни бажаради?
- Энг аввало, молиянинг тақсимлаш функцияси қаерда намоён бўлади?
- Асосий даромадлар МДни моддий ишлаб чиқариш иштирокчилари ўртасида тақсимлаш жараёнида қандай гуруҳларга бўлинади?
- Қандай қайта тақсимлашлар натижасида иккиламчи ёки “келиб чиқувчи” даромадлар ташкил топади?
- Молия ёрдамида амалга ошириладиган ЯИМ ва МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг пировард мақсади нималардан иборат?
- Молиянинг тақсимлаш функцияси нималарни амалга оширишга имконият ва шарт-шароитлар яратиб беради?
- Молия назорат функциясининг асосини нима ташкил этади?
- Молия назорат функциясининг энг муҳим вазифалари нималардан иборат?
- Бозор муносабатларига ўтиш шароитида молиянинг назорат функцияси нималарга йўналтирилади?
- Молиянинг назорат функцияси амалиётда қандай органларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади?
- Молиянинг функциялари нима орқали амалга оширилади?
- Такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз ичига қандай босқичларни олади?

• Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ўзига тегишли бўлган даромадни қандай қисмларга бўлади?

• Жами ижтимоий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулотнинг бир-биридан фарқлари, уларнинг афзаллик ва камчилик томонлари нималардан иборат?


• Жами ижтимоий маҳсулотнинг умумий тақсимланиш тартиби қандай?

• Жами ижтимоий маҳсулот қандай икки асосий қисмдан иборат?

• Нега ҳукуматлари солиқлар орқали шахсий даромадларни чегаралаб (чеклаб) қўйган мамлакатларда иқтисодиёт ўсиш базасига (асосига) эга эмас деб қабул қилинган?

2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

1-мавзу: “Молия” фанининг предмети, объекти, методи ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги



Молия

Ўзининг луғавий маъноси жиҳатидан “молия” сўзи французча “finance”, лотинча “financia” ва русча “финансы” сўзларининг эквиваленти ёки маълум маънода, синоними ҳисобланиб, “даромад” ёки “тўлов” деган маъноларни ҳам англатади

Молия давлатнинг вужудга келиши ва унинг ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ривожланиши билан доимий (узлуксиз) товар-пул муносабатлари шароитида пайдо бўлди

Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, товар-пул муносабатларининг қамраб олиш соҳаси ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли

жамиятнинг иқтисодий тузуми, давлатнинг табиати ва функциялари билан белгиланади

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлаш ҳамда давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатларга **молия** дейилади.

Молиянинг характерли белгилари

қийматнинг товар шаклидаги ҳаракатига боғлиқ бўлмасдан, аксинча, реал пулларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлган, ҳуқуқий нормалар ёки бизнесни юритиш этикасига асосланган муносабатларнинг тақсимлаш характердалиги

пул маблағлари ҳаракатининг, одатда, бир томонлама йўналишга эга эканлиги

марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини яратиш (вужудга келтириш)

Муносабатларнинг давлат томонидан регламентация қилиниши (тартибга солиниши)

Давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари даражасида тузиладиган пул маблағлари фондлари марказлаштирилган фондлар, хўжалик субъектлари даражасида тузилган пул фондлари эса марказлаштирилмаган пул фондлари дейилади

Молия қуйидагилар ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини ифодалайди

товар-моддий бойликларни сотиб олиш, маҳсулот ва хизматларни реализация қилиш жараёнида корхоналар ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари

марказлаштирилган пул маблағлари фондларини яратиш ва уларни тақсимлаш борасида корхоналар ва уларнинг юқори органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари

бюджет тизимида солиқларни тўлаш ва харажатларни бюджетдан молиялаштириш давомида корхона ва давлат ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари


солиқлар ва бошқа ихтиёрий тўловларни тўлаш жараёнида давлат ва фуқаролар ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари

тўловларни амалга ошириш ва ресурсларни олиш жараёнида корхоналар, фуқаролар ва нобюджет фондлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари

бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари

суғурта бадалларини тўлаш ва зарарларни қоплаш, суғурта ҳодисаси рўй берган пайтда аҳоли, корхоналар ҳамда мулкӣ ва шахсий суғурта органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари

корхона фондларининг доимий доиравий айланишига хизмат қилувчи пул муносабатлари



Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими таркибидаги солиқларнинг гуруҳланиши



Молия

...нинг иштирокисиз МД ни тақсимлаб бўлмайди

МД ни яратиш ва ундан фойдаланишнинг ажратиб бўлмайдиган боғловчи бўғини ҳисобланади

ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмолга таъсир этиб, объектив характерга эга

ишлаб чиқариш муносабатларининг маълум бир соҳасини ифода этиб, базис категориясига мансуб

...сиз замонавий иқтисодиёт фаолият кўрсатолмайди

алоҳида олинган мамлакатларда ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражасини ва уларнинг хўжалик ҳаётидаги макроиқтисодий жараёнларга таъсир этиш имкониятларини ифодалайди

...нинг аҳволини мамлакат иқтисодиётининг аҳволи белгилаб беради

ўзининг моддий мазмунига кўра пул маблағларининг мақсадли фондларини ифода этиб, уларнинг жами (йиғиндиси), охир оқибатда, мамлакатнинг молиявий ресурсларини ташкил этади

базис категорияси ҳисобланса-да, кўп жихатдан у ҳукумат томонидан амалга ошириладиган (юрғизиладиган, ҳаётга татбиқ этиладиган) молиявий сиёсатга ҳам боғлиқ бўлади

Молия

пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади

...нинг роли ва аҳамияти пул муносабатларининг иқтисодий муносабатлар тизимида қандай ўринни эгаллаганлигига боғлиқ

пулдан ўзининг мазмуни ва бажарадиган функциялари бўйича фарқланади

ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг иқтисодий инструменти, пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш қуролидир

– бу, энг аввало, тақсимлаш категорияси

ёрдамида МД ни иккиламчи тақсимланиши ёки қайта тақсимланиши амалга оширилади

Молиявий муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

“Давлат кимнинг ҳисобидан молиявий ресурсларни олади ва кимларнинг манфаатлари учун бу маблағлардан фойдаланади?”

деган саволнинг тадқиқ қилиниши орқали намоён бўлади

3.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ

МОЛИЯ фанининг предмети

Давлатнинг вужудга келиши, унинг барча оқибатларидан ташқари, яратилаётган иқтисодий неъматларнинг олий ҳукумат сифатида давлат ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг қолган субъектлари ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланиши бўйича маълум ўзаро муносабатларни ўрнатишни талаб этади. Айнан мана шу муносабатлар «молия» тушунчаси орқали ифодаланган.

Молининг функциялари уларни мақсади молиявий ресурсларни бошқариш қонунийлиги ва самарадорлиги бўйича қабул қилинган андозалардан четга чиқиш ҳолларини аниқлаш, бундай четга чиқишлар мавжуд бўлганида эса, уларни тузатиш ва олдини олиш бўйича тегишли чораларни ўз вақтида қабул қилишдан иборат. У қиймат хусусиятига эга бўлиб, назоратнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган ҳолда, пул маблағлари жамғармалари ҳосил қилади ва тақсимлайди.

Молия фанини ўқитишдан мақсад

молия назариясини қамраб оладиган барча йўналишлар, шунингдек, молия тизими, молия бозорлари, молиявий сиёсат, молиявий назорат, бюджет тизими, корхона ва ташкилотлар молиясилар ва шу кабилар бўйича тассавур ва кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- молия муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- молия бозорлари ва институлари фаолиятини ўрганиш;
- молия муносабатлари тизими ва унинг бўғинларини ўрганиш;
- молияни бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- микро ва макро даражада молия муносабатларининг амал қилишини ўрганиш;
- хорижий мамлакатлар молия муносабатлари илғор тажрибалари ва хусусияларини ўрганиш;
- давлат ташқи савдо ва валюта балансининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни мустаҳкамлаш имкониятларини ёритиш;
- жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молия муносабатларининг аҳамиятини таҳлил қилиш.

Блиц-сўров

Мавзунини жонлантириш учун саволлар

1. Молия фани нимани ўрганади?
2. Молия” тушунчаси нимани англатади?
3. Молияни ўрганишнинг зарурлиги нимада
4. Кенгайтирилиган такрор ишлаб чиқариш ва молиянинг узвий боғлиқлиги нимадаларда намоён бўлади?

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ислоҳ қилишда молиянинг ролини кўриб чиқишга ўтамиз.

Ушбу мақсадда молиянинг роли қуйидагиларда намоён бўлади:

- иқтисодий барқарорлашувда;
- иқтисодий муносабатларнинг трансформациялашувида;
- молия тизимининг бозор ислохотларига мослашишида;
- инвестицион фаолликнинг рағбатлантирилишида;
- ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишида.

Макро ва микро кўламда иқтисодиётнинг барқарорлашуви умумий молиявий барқарорликни таъминлаш билан ажралмасдир. Шунинг учун макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлимиш – ЯИМ ва инфляция, валюта курси, ишсизлик даражаси, тўлов балансининг ҳолати, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси, аҳоли турли қатламлари даромадларининг ўзаро нисбати, кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари кабилар ўсиш суръатларининг мониторинги молия соҳасидаги реал вазиятни объектив баҳолаш имконини беради.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш муммоси иқтисодий номуносабатликларнинг, баҳолар кескин фарқининг, пул массаси қисқариши ва тўловга қобил талаб камайишининг, хуфиёна ва чайқов хусусиятидаги иқтисодиётнинг реал секторга нисбатан тезроқ ўсишининг, самарали хўжалик юритиш эҳтиёжларидан институционал базанинг ажралиб қолганлиги каби ҳолатларнинг мавжулиги боис юзага келди.

Иқтисодий барқарорликка эришиш учун иқтисодий муносабатлар трансформациялашуви зарурдир.

Иқтисодий муносабатлар трансформацияси инфляция ва ишсизликнинг паст даражасига, ташқи иқтисодий баланслиikka, қулай экологик муҳит ва юқори турмуш даражасига асосланувчи барқарор иқтисодий ўсишга ўтишни англатади.

1-вариант

1-топшириқ. Тестларни ечинг.

1. Қайси жавобда молиянинг ўзига хос белгилари намоён бўлади?
 - a. пул маблағлари харакатининг бир томонлама йўналишга ега эканлиги
 - b. реал пуллар харакатига боғлиқ бўлган ҳуқуқий меъёрлар ёки бизнесни юритиш етикасига асосланган муносабатларнинг тақсимлаш характери
 - c. марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини яратиш
 - d. Барча жавоблар тўғри
2. Такрор ишлаб чиқариш жараёни қайси босқичларни ўз ичига олади?
 - a. ишлаб чиқариш ва алмашинув
 - b. ишлаб чиқариш, алмашинув, тақсимлаш, истеъмол.
 - c. алмашинув, ишлаб чиқариш ва истеъмол
 - d. ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш
3. Молиянинг хусусиятли белгилари қайсиларни ўз ичига олади?
 - a. муносабатларнинг пулли хусусияти
 - b. муносабатларнинг тақсимлаш ва фондлилиқ хусусияти
 - c. муносабатларнинг тартибга солиш хусусияти
 - d. Барча жавоблар тўғри
4. Молиявий ресурсларнинг манбалари бу:
 - a. МД, ТИФ тушумлари, Миллий бойликларнинг бир қисми, соф даромад.
 - b. Солиқ тушимлари. Қарзга олинган маблағлар
 - c. МД, ТИФ тушумлари, Миллий бойликларнинг бир қисми, қарзга олинган маблағлар
 - d. тўғри жавоб йўқ
5. Молиявий муносабатлар бу:
 - a. - хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджетдан ташқари фондларга барча турдаги тўловлар, ажратмалар ва улардан молиялаштириш
 - b. - хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджетлар ўртасидаги барча турдаги тўловлар турлари - хўжалик юритувчи субъектлар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртаисдаги барча турдаги тўлов муносабатлар
 - c. - кредитлар бўйича фоизлар тўлаш воситасидаги пул муносабатлари
 - d. -иш берувчи ва ишчи ўртасидаги пулли муносабатлар

2-топшириқ. Қуйидаги иқтисодий тушунчаларга таъриф беринг.

1. Оборот солиғи – бу ...
2. Пассив капитал –бу ...
3. Патент – бу ...
4. Пенсия фонди - бу ...
5. Пеня – бу ...

3. Эссе. Давлат молияси ва маҳаллий молия. (интернетдан фойдаланиш мумкин, 10-15 габдан иборат кичик иншо ёзинг)

4. Нотижорат сектор бўйича 5-6 та сўздан иборат кроссворд тузинг.

4.ГЛОССАРИЙ

1“Молия” фанининг предмети, объекти, методи ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Молия (финансы, finance) бу давлатнинг ўз вазифа функцияларини бажариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш жараёнида юзага келадиган, давлат томонидан ташкил қилинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.

Молия сиёсатининг муҳим вазифаси (Важной задачей фискальной политики, An important objective of fiscal policy) – у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдир.

Молиявий стратегия (финансовая стратегия, financial strategy) – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узок истиқболга мулжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутди.

Молия механизми (финансовый механизм, the financial mechanism)– тақсимот ва қайта тақсимот муносабатларининг кенг тизимини амалга ошириш, даромад ва жамғармаларни ташкил қилиш, марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини тузишни таъминловчи шакл ва усуллар йиғиндисидан иборатдир

Давлат молияси (Государственные финансы, Public Finance)-давлатни керакли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариш учун пул маблағлари билан таъминлашга ундалган молия тизимининг муҳим бўғинидир.

Молиявий назорат тизими (Система финансового контроля, Financial control system) субъектлар (назорат қилувчилар), объектлар (назорат қилинувчилар), назоратнинг усул ва воситаларини биргаликда жамлаб, ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро молиялаштириш (Финансирование между субъектами хозяйствования, Financing between the economic entities) - корхоналар ўзаро хўжалик муносабатларини амалга ошириш жараёнида бир-бирларига турли хилдаги маҳсулотлар етказиб беришда тўловларни кечиктириш ҳоллари ҳам юз беради ва бунинг натижасида ўзаро молиялаштириш ҳолати юзага келади.

Давлат бюджети (госбюджет, State budget) - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджет харажатлари (бюджетные расходы, budget expenditures) ЯИМнинг қайта тақсимланиши натижасида давлат бюджетида жамланган пул маблағларининг мақсадга мувофиқ қайта тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ бюджет қонунчилиги билан тартибга солинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир

Бюджетлараро муносабатлар (Взаимосвязь между бюджетом, The relationship between the budget) — нафақат бошқарувнинг турли даражаларидаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабат, балки энг аввало, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказ орқали шаклланган ва давлат ҳокимиятига унинг аниқ функцияларини ҳудудий даражада бажариш, жамият тараққиёти учун нормал шароитларни яратиш мақсадида берилган барча пул маблағларининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнидаги муносабатлардир;

Давлат мақсадли жамғармалари (Цель общественных фондов, The purpose of the public funds) - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

5. АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). –Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Хайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТУРИАЛЛАРИ